

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Навоий вилояти статистика
бошқармаси бошкиги ўринбосари
F.I.Расулов
“*М.И.Расулов*” 2017 йил

**Демография ва меҳнат статистикаси
бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Навоий вилояти статистика бошқармаси Демография ва меҳнат статистикаси бўлимининг, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим демография ва меҳнат статистикаси масалалари бўйича фаолиятини бошқарма бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиги раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бошлиғи ўринбосарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

а) демография ва меҳнат статистикаси бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаши ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириши ва функционал тартибга солиши соҳасида:

Статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узоқ муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва таҳдим этиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этилишини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлашга киритиш ва амалиётга жорий этиш, статистик кузатувлар ўтказиш усулларини аниқлаш;

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида бўлим ваколати доирасида иштирок этиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасида холис, сифатли ва долзарб ҳисбот маълумотларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва идоравий кузатувлар шаклларини келишишида иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, статистика соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича давлат статистика ҳисботлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳисботларни тузиш тартиби бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқиш.

б) демография ва меҳнат статистикасига оид ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўгрисидаги статистик ахборотларни йигиши, қайта ишилаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қофоз кўринишида йигиши, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

демографик ва меҳнат кўрсаткичларнинг статистик ҳисобини юритиш, вилоят бўйича муҳим демографик ва меҳнат жараёнларининг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

статистик ҳисбот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффоғлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишида ҳар томонлама кўмаклашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишида тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

в) давлат органлари, юридик шахслар, ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда демография ва меҳнат статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун демографик ва меҳнат статистикасига оид курсаткичларни максимал даражада шаффоғлиги ва ошкоралигини, халқаро статистик тўпламлар учун тайёрланишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун демография ва меҳнат соҳасида юз берётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

демография ва меҳнат статистикасини характерловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

демография ва меҳнат статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

7. Бўлим ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

демография ва меҳнат статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларига ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириклари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан демография ва меҳнат статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

демография ва меҳнат статистикаси соҳаси бўйича халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган статистик услубиётни ишлаб чиқиш ва давлат статистика кузатувлари шаклларини статистик маълумотларни шакллантириш жараёнига жорий этади;

давлат идоралари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда демография ва меҳнат статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлайди;

бўлимнинг таркиби иш услубини такомиллаштириб бориш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириб боради;

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлинмалари ҳамда худудий статистика органлари билан биргаликда демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастурининг демография ва меҳнат статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

худудий статистика идоралари томонидан, демография ва меҳнат статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услубиёти асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон хужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, демография ва меҳнат статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳукуклари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳукукларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси бўлинмалари ва худудий статистика органларидан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сураш ва олиш;

демография ва меҳнат статистикаси ишларини ташкил этиш соҳасида Вилоят статистики бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзgartириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усувлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

худудий статистика бўлимлари томонидан демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисбботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан демография ва меҳнат статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишининг

исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

Шунингдек расмий статистик ахборотлар билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

олинаётган демография ва меҳнат статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмuni бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қуидагилар учун жавобгар:

ўзига юқланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ, ижро қитизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлим тузилмаси

10. Бўлим тузилмаси ўз ичига болим бошлиги, шунингдек:

Меҳнат ресурслари баланси, бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичларини шакллантириш ва таҳлил этиш бўлими;

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш ва таҳлил этиш бўлимини олади.

Ҳар бир бўлим таркибига бўлим бошлиги, бўлим бошлиги ўринбосари, бош, етакчи мутахассислар киради.

11. Бўлим ва унинг таркибига кирувчи ходимлар фаолиятига бўлим бошлиги раҳбарлик қиласди.

12. Бўлим бошлиги, бўлим бошлиги ўринбосари ва мутахассислари Вилоят статистика бошқармаси бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Меҳнат ресурслари баланси, бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичларини шакллантириш ва таҳлил этиш бўлими қуидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, меҳнат статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

меҳнат статистикаси бўйича ҳудудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб бориш;

меҳнат статистикаси бўйича ҳудудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

мехнат статистикаси бўйича идораларга ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

мехнат статистикаси бўйича маърузалар, статистик тўпламлар ҳамда меҳнат соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлаш;

статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни тъминлаш;

14. Демографик кўрсаткичларни шакллантириш ва таҳлил этиш бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, демография статистикаси ҳамда маъмурий-худудий бирликлар бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

демография статистикаси бўйича худудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб бориш;

демография статистикаси бўйича худудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

демография статистикаси бўйича вазирлик ва идораларга ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

демография статистикаси бўйича маърузалар, статистик тўпламлар учун ҳамда демография соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлаш;

статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни тъминлаш.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

15. Бўлимнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиши дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Бошқарма бошлиқнинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юклangan вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиқнинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим мутахассисларнинг ишини ташкил қиласди, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларниг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ, лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлигининг ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек Вилоят статистика бошқармаси раҳбариютининг топширигига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топшириклирига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Меҳнат ресурслари баланси, бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичларини шакллантириш ва таҳлил этиш ва Демографик кўрсаткичларни шакллантириш ва таҳлил этиш бўлимнинг мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Вилоят статистика бошқармасининг ва Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юкланган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмасиши масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

17. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Демография ва меҳнат статистикаси бўлими бошлигининг ўринbosари бажаради.

18. Бўлим бошлиғи:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Вилоят статистика бошқармаси ва Бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди;

статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қиласди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

19. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

статистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

бўлим ваколатига кирадиган вазифаларни ўз муддатларида ҳамда сифатли бажарилишида иштирок этади;

статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва мантикий таҳлил қилишда иштирок этади;

фуқаролар, давлат ва хўжалик юритувчи органлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар ва халқаро ташкилотлар сўровларига мувофиқ тегишли статистик маълумотларни тайёрлайди ва тақдим этади;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун демография ва меҳнат соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлашда иштирок этади;

Замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий-математик усулларда демография ва меҳнат статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равища мантиқий таҳлил қиласди;

Вилоят статистика бошқармаси ҳамда бошқа идоралар билан ўзаро тақдикланган қўшма тартиблар ижросини таъминлайди;

бўлим фаолиятини бошқариш ва давлат статистика ишлари дастурини ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши бўйича ўз таклифлари асосида ташаббус кўрсатади;

бўлим ваколатига кирадиган ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларига ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқилишда иштирок этади;

тармоқ ва худудий статистика бўлимларига бўлимга алоқадор бўлган масалалар юзасидан услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади ва ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қиласди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

Бошқарма раҳбарияти топшириғига биноан ўтказиладиган семинар ва йиғилишларда иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим бош мутахассиси:

худудий статистика бошқармалари томонидан демография ва меҳнат статистикаси соҳасида ягона сиёsatни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) ҳамда Бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни белгиланган тартибда олишда ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланишда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар беришда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

демография ва меҳнат соҳасига оид масалалар юзасидан ҳалқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, семинар ва йиғилишларда, шунингдек ҳалқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича ишлаб чиқилган электрон маълумотлар базаси дастурини ўзгариши бўйича таклифлар киритишида иштирок этади;

Бошқарма раҳбарияти топшириғига биноан ўтказиладиган семинар ва йиғилишларда иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига оид ҳужжатлар ва йўрикномалар билан ишлаш тажрибасини мунтазам ошириб боради;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

меҳнат фаолиятида ахборот технологиялари, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш ва ҳисоблаш техника воситалари билан ишлаш малакасини мунтазам ошириб боради.

21. Бўлим етакчи мутахассиси:

Давлат статистика ҳисбот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этишида иштирок этади;

Вилоятнинг маъмурий-худудий бўлинмаларида содир бўладиган ўзгаришларни йил давомида таҳлил қилиб боришида иштирок этади;

демография ва меҳнат статистикасига бўйича динамик қаторларни юритади;

демография ва меҳнат статистикасига оид дастлабки маълумотларни йигади, таҳлил этади ва умумлаштиради;

демография ва меҳнат статистикаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий-математик усулларда демография ва меҳнат статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равишида мантикий таҳлил қилишида иштирок этади;

фойдаланувчиларнинг демография ва меҳнат статистикаси соҳасидаги маълумотларга бўлган талабига мувоғик, ривожланаётган хорижий тажрибани ўргананишида, умумлаштиришда ва тарқатишида иштирок этади;

раҳбарият топшириқлари ижросини таъминлайди.